

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АХБОРОТ

Чонк ходимлари, ишбилиармон ва тадбиркорлар газетаси

№ 8, 1995 й.

ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ УЮШМАСИННИГ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

АХБОРОТ

Шу йилнинг 28 июль куни Тошкентда Ўзбекистон банклари уюшмасининг биринчи таъсис Қурултойи бўлиб ўтди. Унда республика тижорат банкларидан қарийб 600 вакил, шунингдек ҳалқаро молия ташкилотлари ва чет эл банкларининг Ўзбекистондаги вакиллари қатнашдилар. Фаъзларни республика Бош вазири Ўзбекистон Президенти Рабкорхона босари Б.Ҳамидов очди. У съезд иштирокчиларига Ўзбекистон Президенти Ислом Азимов йўллаган табрикномани ўқиб ёттириди.

Ташки иктисадий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р.Азимов "Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришда жаҳон даражасига эришиш - иктисадий ислоҳот ҳозирги босқичининг муҳим вазифаси" мавзусида маъруза қилди.

Маъруза муҳомасида Ўздеҳқонсаноатбанк Навоий бўлими бошқарувчиси Р.Нуритдинов, "Ипак йўли" ҳиссадорлик инновация-тижорат банки бошқарувининг раиси Х.Икромов, Ўзсаноаткуришишбанк Сирғали бўлими бошқарувчиси А.Рўзимуҳамедов, Ўзасабабанк бошқарувчи раиси вазифасини бажарувчи Л.Петрова, Европа реконструкция ва ривожлантириш банкининг биринчи вице-президенти Р.Фриман, Ўзтадбиркорбанк бошқарувчи раиси А.Юсупов, Мевасабавотбанк Бухоро бўлими бошқарувчиси В.Холов, Ўзбекистон-Туркия банкининг бош бошқарувчиси А.Юрданпер, Ўзсавдоғарбанк Самарқанд

бўлими бошқарувчиси М.Нурмаматов, Ўзжамғармабанк Наманган бўлими бошқарувчиси Й.Жўраев, Ўзенгилсаноатбанк Наманган филиали бошқарувчиси З.Акромов, Курилиш-тижорат банки кенгаши-нинг раиси З.Баҳромов, "Америкэн интернэшнл گроуп" вице-президенти А.Волтерс, Трастбанк ҳиссадорлик-биржа тижорат банки бошқарувчи раисининг ўринбосари М.Алимов қатнашдилар.

Қурултода ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон банклар уюшмаси кенгаши раиси этиб Р.Азимов, бош директори қилиб Х.Икромов сайланди. Қурултой иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаатнома қабул қилдилар.

Қурултой ишида Олий мажлиснинг Бюджет, банклар ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувчи раиси Ф.Муллажонов қатнашдилар.

Қурултой ўз ишини яқунлаганидан сўнг журналистлар билан учрашув ўтказилди. Ўзбекистон банклар уюшмаси билан Европа реконструкция ва ривожлантириш банки ҳамкорлиги тўғрисида меморандум қабул қилдилар. Ҳужжатга уюшма кенгаши раиси Р.Азимов ҳамда Европа реконструкция ва ривожлантириш банкининг биринчи вице-президенти Р.Фриман имзо чекди.

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЖАҲОН ДАРАЖАСИГА ЭРИШИШ - ИКТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИННИГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИ ИКТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ РАИСИ Р.С. АЗИМОВ МАЪРУЗASI

Хурматли делегатлар!

Мустақил Ўзбекистон бозор муносабатларига фақат ўзига хос ўйдан бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг яқинда босмадан чиқкан "Ўзбекистон иктисадий ислоҳотларни чуқурлаш-

тириш йўлида" китоби бу жараённинг мөхијатини тўла-тўқис тасаввур килишга ундейди.

Ислом Абдуғаниевич мазкур китобида таъкидлаганидек, "Биз ишлаб чиқсан ислоҳотлар стратегияси иктисадиётни бошқа ҳолатга ўтказиш ва бозор мунो-

сабатларига ўтишнинг умумий мағкурасидир. Шу билан бирга ҳар бир босқичнинг ўз стратегик мақсадлари ва устувор йуналишлари белгилаб олинади. Иктисадий сиёсатни амалга оширишнинг тегиши шакл ва усувлари, уни амалга оширишнинг аниқ омиллари

ва воситаларини ишлаб чиқишни талаб этувчи ўзига хос аниқ йўли-йуриқлар шакллантирилади.

Республика иктисадий ислоҳотларининг иккичи босқичига қадам кўйиши билан банк тизими олдида ҳам бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Бу муаммоларни ҳал этмай турб ислоҳотларнинг янги босқичидаги вазифаларни самарали амалга ошириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иктисадиётни тугал шакллантириш, жаҳон иктисадий тизимини қарор топтириш амри маҳолдир. Бундай ҳолатлар Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг буғунги таъсис қурултойини чақиришини тақазо этди. Биз сизлар билан ислоҳотларниң ҳозирги босқичида банк тизими олдида турган муаммоларни муҳокама этишимиз ва бундан кейинги ҳаракат тактикасини бамаслашат ишлаб чиқишимиз керак.

І. Мустақил Ўзбекистон банк тизимининг қарор топиши ва



Суратларда : минбарда Р.С.Азимов. Қурултой ҳайъати аъзомлари. А.Лолатин суратга олган.

(Давоми 2-бетда)

МУЛОХАЗАЛАР, ФИКРЛАР, ШАРХЛАР



Зоҳид СОБИРОВ,
Марказий банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари



Удо БЕРХГОЛЬЦ,
Дойчебанкнинг
Ўзбекистондаги мухтор
вакили

шу тизимни янада ривожлантириш. Банк тизимини тараққий эттиришнинг стратегик комплекс дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурда бозор шароитида банк иши қандай йўлга кўйилиши ва шакланиши лозимлиги кўрсатилган. Банк - бозорнинг энг асосий инфраструктураси. Банк бўлмаса, бозор ҳам булмайди.



Эркин КАРИМОВ,
Марказий банкнинг
Буҳоро вилояти
бошқаруви бошлиғи

Биз республикада биринчи бўлиб электрон почтадан фойдаланишга утдик, ҳозир компютерлар локал тармоғини ишга туширганмиз. Хисоб-китоблар сифати, иқтисодий ахборотни етказиб бериш сифати яхшиланяпти, натижада пуллар мижозларнинг ҳисовароқлагида уз вақтида этиб бормоқда. Яхши томонга ўзгаришлар юз бера бошлади. Лекин биз бу тизимни ҳали яна ривожлантирамиз.

Банклар бирлашмаси банк муаммоларининг анчагинаси ни хал этишда ёрдам беради. Бир банк қийин ахволга тушиб қолса, бошқа банкнинг өрдамига умид қиласа бўлади. Менимча, уюшма барча банкларга катта ёрдам беради. Лизинг операциялари ўтказилади. Айниқса, шу нарсани мижозларимиз интиқлик билан кутишмоқда.



ри силжишида мұхим босқич бўлди. Энди олдимизда янги уфқлар ва истиборни талаб қила.

Агар банк янги очилган ва ҳали сармояси кам бўлса, уюшма ўнга ёрдам бермаслиги керакми? Масаланинг мөхияти ҳам худди ана шунда - уюшма кучли банклар ҳисобидан ўш банкларга банк тизимидағи маъвеларини мустаҳкамлаб олишларида ёрдам бериши зарур.

Яна бир гап: уюшма уз иқтисодий барқарорлигини йўқотаётган банклар билан иш олиб бориши керак. Ҳозир Марказий банк олиб бораётган қаттиқ пул-кредит сиёсати натижасида баъзи банклар муайян қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Фикримча, асосли иқтисодий тавсиялар бериш уюшманинг вазифаларидан бири бўйи қолиши лозим. Яна шуки, мен уюшманинг тижорат асосида ишлаши тўғри бўлади деб ҳисоблайман.



Жамшид САЙФУДИНОВ,
Ўздахқонсаноатбанк
бошқаруви раиси

Банк ишини ривожлантиришнинг энг мұхим жиҳатларидан бири - инфраструктура, тижорат банклари ролини кучайтириш ҳамда уларни жаҳон меъёр бирлиги даражасига яқинлаштиришdir. Шу боис Президентимиз ва Ҳукуматимиз банк ишини ривожлантиришга ва тижорат банкларини тараққий эттиришга катта аҳамият бермоқда. Уюшма ҳам уз асосий эътиборини инфраструктурага қаратади.

Ҳозир биз бозор иқтисодийнинг иккинчи босқичига кириб бораяпмиз. Ўлашимча, уюшма ташкил этилиши бундан буён ҳам олдинга ҳаракатланиш учун яна бир турткни булиб хизмат қиласи.



Абдуносир РАҲМОНОВ,
Марказий банк Пул кредит сиёсати
департamenti директори
вазифасини бажарувчи

Назаримда, тижорат банклари уюшмаси комплекс дастури ва Низом лойиҳаларига ҳали ўзгаришлар киритилади. Низомда ҳам, дастурда ҳам ҳали ким нима билан шугулланиши кераклиги нуттий назаридан қайта ишланиши зарур масалалар бор.

Миллий банк бошқарувининг раиси Рустам Азимов уз маърузасида таъкидлаганидек, тижорат банклари билан Марказий банк вазифалари уртасида чегара були-

Банк тузилмалари бирлашиши биз учун жуда зарур эди ва бу иш ниҳоят амалга ошиди.

Ўзбекистон банклари уюшмаси ташкил топиши ҳеч муболагасиз давлатимиз иқтисодий ислоҳотларининг илга-



Саймон БЕРЖОНОВ,
Тошкент Давлат
иқтисодиёт дорилғунуни
ўқитувчиси

Менимча, бу жуда катта воқеа, илгари айтиладиганидек, тарихий воқеа. Назаримда, биз бозор иқтисодиёт тизимини барпо этишнинг биринчи босқичини тугалладик. Ҳозир асосий вазифа -

